

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАН ҲАР БИР ИНСОННИНГ ЗАҲМАТИ, МАРД ВА ОЛИЖАНОБ ФАЗИЛАТЛАРИ ЭЪТИРОФ ВА ЭЪТИБОРГА МУНОСИБ

Президент Шавкат Мирзиёев Кўксарой қароргоҳида Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни муносабати билан соҳа вакиллари билан учрашув ўтказди.



Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида фидокорона ва машаққатли меҳнати билан ноз-неъмат етиштириб, эл дастурхонига кут-барак а олиб қираётган барча деҳқон, фермер, боғбон, чорвадор, сувчи, агроном ва механикаторларга ўзининг чуқур ҳурмат-эҳтироми-ни билдирди.

— Сизларнинг нафақат қишлоқ хўжали-ги, балки иқтисодийни юксалтириш, аҳоли турмушини яхшилаш, озиқ-овқат хавфсизли-ги борасидаги беқиёс ишларингиз ҳар қанча таҳсинга сазовор, — деди Президентимиз.

Жорий йилда халқимизнинг 3,5 миллион-дан зиёд вакили меҳнат қилаётган қишлоқ хўжалигида катта марраларга эришилди. Пахтачиликда миришкор деҳқон ва фермер-ларимиз томонидан 875 минг гектар ерда 4 миллион тоннага яқин хирмон яратилди. Илк бор пахтада ўртача ҳосилдорлик 46 центнерга етди.

Ғаллакорларимиз бу йил 8 миллион 400 минг тонна хирмон яратди, ўртача ҳосилдор-лик эса 85 центнер бўлди. Шойкорларимиз жорий йил 268 минг гектарда шоли экиб,

1 миллион 340 минг тонна ҳосил олди, ўртача ҳосилдорлик 50 центнерга етди.

Уч йилда 155 минг гектар бог ва узумзор барпо этилди, интенсив боғлар 150 минг гектар-га етказилди. Жорий йилда 3,4 миллион тонна мева, 2 миллион тонна узум, 19,5 миллион тонна сабзавот, полиз ва картошка, 1 миллион тонна дуккакли ва мойли экинлар етиштирилди.

Йил бошидан озиқ-овқат экспорти 37 фоизга ўсиб, 3 миллиард долларга етди, йил якуни билан бу кўрсаткич илк бор 3,2 мил-лиард доллардан ошади. Мева-сабзавотла-

римиз кириб борган давлатларнинг сони 18 тага кўпайиб, 83 тага етди.

— Албатта, бундай улкан натижалар ор-тида деҳқон ва фермерларимиз, кластерлар, умуман, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги ҳар бир инсоннинг меҳнати, жасорати, фидо-ийлиги турибди, десак тўғри бўлади. Улар-нинг заҳмати, мард ва олижаноб фазилатлари ҳар қанча эътироф ва эътиборга муносиб, — деди Президентимиз.

Ўзбекистон Республикаси Президен-тининг шу йил 9 декабрдаги фармониға

мувофиқ, соҳада алоҳида ўрнатилган кўрсатган ходимлардан бир гуруҳи фахрий унвон, ор-ден ва медаллар билан тақдирланган эди.

Маросимда ана шу мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Президентимиз сўзининг давомида кел-гуси йил учун соҳа олдида турган энг муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Янги агротехнология ёрдамида 76-схема бўйича пахта етиштириш келгуси йилда оммалаштирилиб, 891 минг гектарда тўлиқ шу схема бўйича пахта етиштирилади. Кўсак

курти, гербицид, шўр ва сувсизликка чи-дамли хорижий навлар экиладиган майдон-лар 2 карра кўпайтирилиб, 500 минг гектарга олиб чиқилди.

“Шинжон тажрибаси” асосида 300 минг гектарга чигит экилади. Бунинг учун дала-ларда томчилаб сугориш технологиясини жорий этишга 2 триллион 600 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилади. Ўз маблағидан пахта етиштирган фермерларга ҳосилнинг 10 фоизига қисмини субсидиялашга 250 мил-лиард сўм берилади.

Давоми 2-бетда

New Uzbekistan:
THE PATH OF
SHAVKAT
MIRZIYOEYEV

Тақдимот

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН:
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЙЎЛИ

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида таниқли сиёсатшунос, сенатор, Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси раиси Қудратилла Рафиқовнинг “Янги Ўзбекистон: Шавкат Мирзиёев йўли” китобининг инглиз тилидаги нашри тақдими бўлиб ўтди.

Асарда Шавкат Мирзиёев томонидан сўнгги саккиз йил ичида бошланган ва амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий босқичлари ва йўналишлари қайд этилган, шунингдек, уларнинг мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишига таъсири очиб берилган.

Тақдимотда давлат идоралари, дипломатик корпус, фуқаролик жамияти институтлари, илмий доиралар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Давоми 2-бетда

Муносабат

Бугун дунё миқёсида муҳим геосиёсий жараёнлар кечаётган бир пайтда Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилаётган “Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш” ғояси жаҳон ҳамжамияти томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинмоқда. Мазкур ташаббус, кўплаб экспертлар эътироф этганидек, инсоният тараққиётининг янги цивилизацион модели сифатида юқори баҳоланяпти.

Барқарор тараққиётнинг янги цивилизацион модели

Шу йил октябрда Исломобод шаҳрида покистонлик ёзувчи ҳамда публицист Муҳаммад Аббос Хоннинг урду тилида ёзилган “Ўзбекистон: Учинчи Ренессанс — тараққиёт концепти” бадий-публицистик асарининг расмий тақдими ўтказилиб, унда Покистон ҳукумати ва парламенти аъзолари, дипломатик корпус вакиллари, илмий доиралар, журналистлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашган эди.

Давоми 3-бетда

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА КЕНГ КЎЛАМЛИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев 10 декабрь куни коррупцияга қарши курашиш, комплаенс назоратини такомиллаштириш ва рақамлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳамда келгусидаги режалар тақдими билан танишди.

Коррупция — аксарият жамиятларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишга путур етказувчи жиддий жиноятдир. Бирор-бир мамлакат, минтақа, жамият коррупциядан иммунитетга эга эмас. Коррупция тadbир-корликка, фанга, таълимга, соғлиқни сақ-лаш ва бошқа кўплаб соҳаларга жиддий зарар етказиши, мамлакат коррупциялаш-ган тизимда муваффақиятли ривожлана олмайди.

Янги Ўзбекистондаги ислохотларнинг бошиданок бу ҳақиқатни чуқур англаган ҳолда коррупциянинг олдини олиш, шф-

фофликни ошириш ва жамоатчилик назо-ратини кучайтириш бўйича кенг кўламли ишлар изчил амалга оширилмоқда.

Ушбу мавзу айни шу кунларда муҳокама қилинаётгани бежиз эмас. Зеро, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташаббуси билан 2004 йилдан бошлаб ҳар йили 9 декабр-да Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни бутун дунёда нишонланади. Ушбу сана мазкур йўналишдаги сайй-ҳаракатлар самарасини баҳолаш, амалий натижаларни таҳлил қилиш ва янги вазифаларни белги-лаш учун муҳим фурсат.

Ўтган даврда давлат органларида комп-лаенс назорати тузилмаларининг фаолияти қайта кўриб чиқилиб, ички назорат бўлин-маларида 11 мингдан ортиқ ўрганишлар ўтказилгани, 793 миллиард сўмлик маблағ-ларнинг мақсадсиз сарфланишининг олди олингани маълум қилинди. Қарийб 2 трил-лион сўмлик молиявий хато ва камчилик-лар аниқланди, 478 миллиард сўмлик зарар ундирилди.

Коррупцияга қарши ички назорат бў-линмаларининг самарадорлик кўрсаткич-лари (KPI) тасдиқлангани, улар томони-

дан 700 дан ортиқ ўрганиш, мониторинг ва назорат тadbирлари ўтказилгани нати-жасида 354 миллиард сўмлик молиявий хато ва камчиликлар аниқланди, 1397 та манфаатлар тўқнашуви ҳолати ҳамда қа-рийб 550 миллиард сўм маблағнинг мақ-садсиз сарфланишининг олди олинди. Мансабдор шахсларга нисбатан 26 та жи-ноят иши кўзгатилиб, 24 нафари маъму-рий ва 148 нафари интизомий жавобгар-ликка тортилди.

Давоми 2-бетда

ПАРАГВАЙ ПРЕЗИДЕНТИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛАДИ

Парагвай Республикаси Президенти Сантьяго Пенья 11-13 декабрь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф дастурига мувофиқ, Тошкент-да бўлиб ўтадиган олий даражадаги музо-караларда Ўзбекистон билан Парагвай ўр-тасида сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорлиқни ривожлантириш истиқболларини муҳока-ма қилиш режалаштирилган.

Қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ва кимё саноати, рақамлаштириш, туризм ҳамда

спорт соҳаларида амалий шериклиқни ўрнатишга алоҳида эътибор қаратилади.

Парагвай етакчиси, шунингдек, Хал-қаро автомобиль федерацияси Бош ас-самблеясида ва федерация шафелигида ўтказиладиган мусобақалар ғолибларини тақдирлаш маросимида иштирок этади.

ЎЗА

Ушбу фалсафий китоб ўзбек тилига ҳам таржима қилиниб, китобхонлар эътиборига ҳавола этилди. Тақдирот доирасида покис-тонлик сиёсатчи ва экспертлар, шунингдек, хорижий дипломатлар асарда илгари су-рилган гояларни юксак баҳолади. Хусусан, Покистон ахборот ва радиоэшиттириш вази-ри Атаулла Тарар қайд этганидек, янги Ўзе-кистоннинг тараққиёт стратегияси нафақат Покистон, балки бутун Шарқ мамлакатлари учун илгор намуна бўлмоқда.

Муҳаммад Аббос Хон ўз асарини “Янги давр тасодифан шаклланмади. Аввало, у инсон шуурида уйғониб, кейин ҳаётимиз-да намоён бўлади” деган теран фикр билан бошлайди. Ёзувчининг қайд этишича, Учин-чи Ренессанс гоёси вақт билан чегараланмай-диган, абадий маънавий қудратга эга улкан концепт ҳисобланади.

Ушбу китобга Покистон Бош вазири Муҳаммад Шаҳбоз Шарифнинг сўзбоши ё-гани эса Президентимиз Шавкат Мирзиёев-нинг гоялари ҳамда глобал ташаббусларига бўлган чуқур ҳурмат ва эътирофнинг ёрқин ифодаси, албатта. Бош вазир ўз сўзбошида бундай ёзади: “Бу китоб қадрдон дўстим, Жаноби Олийлари Шавкат Мирзиёев томонидан асос солинаётган “Учинчи Ренессанс” концепциясини янада чуқур англашга ёрдам беради. Аждодлар маъна-вий меросига таянган бу улугвор гоё бутун инсониятнинг фаровон келажагига хизмат қилиши шубҳасиздир”.

Асарнинг мазмун-моҳиятига эътибор қаратсак, унда мамлакатимиз етакчисининг фалсафий қарашлари, стратегик фикрлари ҳамда янги Ўзбекистонда амалга оширилаёт-ган ислохотларнинг амалий натижалари ҳаё-тий мисоллар билан ёритилганини кўра-миз. Китоб ўқувчини нафақат таҳлилий мулоҳа-зага чорлайди, балки юртимиздаги янгиланиш жараёнларининг моҳиятини янада теран ҳис қилишга ундайди.

Халқлар манфаатига йўналтирилган янги тафаккур парадигмаси

Мазкур китобнинг “Вақт измига бўйсун-мас абадий гоялар” номи боби муаллиф то-монидан Учинчи Ренессанс замонавий дунё ва инсоният тараққиёти учун бунёд этилаёт-ган мутлақо янги глобал модель сифатида талқин этилиши билан эътиборга молик. Асарда қайд этилганидек, Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш ташаббуси орқали умумбаъшарий қадриятларга асосланган кел-ажак доктринаси жаҳон ҳамжамиятига етказ-илмоқда.

Муаллиф айтганидек, тамаддунларнинг юзага келиши учун инсонларни бирлашти-ра оладиган, уларнинг интилишларини тара-қиётга йўналтира оладиган улкан ва илгор гоялар тугилиши шарт. Бундай гоялар инсон тафаккурини, илм-фан, маданият, иқтисо-дий ва технологиялар ривожини тубдан ўз-гартира олади. Шу маънода, ёзувчи Учинчи Ренессансни барча халқлар манфаатига йў-налтирилган янги тафаккур парадигмаси, дея баҳолайди.


Қолаверса, Учинчи Ренессанс гоёси ма-трифат, тинчлик ва мулоқот қадриятларига таянган чуқур трансформация жараёни сифа-тида ёритилган. “Хайрли иш яхши ниятдан бошланади” деган талқин эса асарнинг фал-сафий асосларидан бири сифатида ифода-ланиб, ҳақиқий янгиланиш инсон қалбидаги эзгулик ҳамда адолатта интилишдан бош-ланиши таъкидланади.

Муҳаммад Аббос Хон ушбу китобда ян-гича инсонпарвар ёндашувни алоҳида қайд этиб, бундай ёзади: “Инсоният тарихида давлат ёки империядан ҳам барқарорроқ нарс а бор бу — буюк гоялардир. Улар та-рих йўналишини ўзгартириб, келажакни шакллантиради. Ана шундай концепция-лардан бири Учинчи Ренессанс пойде-ворини яратиш ташаббусидир. Ушбу гоё инсоният тафаккурининг улкан уммонига қўйилувчи қудратли дарёга ўхшайди”.

Эътибор беринг, мазкур матида “Янги Ўзбекистон” тушунчасининг илмий ва та-рихий аҳамияти очиб берилган, унинг зами-рида, бир томондан, бугунги ҳамда келажак авлодларнинг Учинчи Ренессансни барпо этишга қаратилган эзгу мақсадлари, иккинчи томондан эса аждодларимиз бошлаб берган Биринчи ва Иккинчи Ренессанслар руҳи ва орзулари муккасасм.

Муаллиф наздида Ўзбекистондаги Учин-чи Ренессанс фақатгина мамлакатнинг ўзи учун эмас, балки минтақа, аҳтимо, бутун дунё тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этади. Бу гоё янги, янада уйғун ва самарали дунёни шакллантиришга хизмат қилади.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Асарда Учинчи Ре-нессанс лов этиб ёниб, тез сўниб қоладиган ҳодиса эмаслиги, аксинча, қоронғиликни аста ёритувчи нурга қиёсланади. Муаллифнинг таъкидлашича, агар Биринчи Ренессанс инсон “Мен яратувчиман”, Иккинчи Рене-сансда “Мен тадқиқотчиман” деган бўлса, Учинчи Ренессансда у “Мен олам яхлитли-гининг бир бўлагиман” деган кўрсатмага эга бўлиши зарур. Бу орқали халқимизнинг уч



Барқарор тараққиётнинг янги цивилизацияон модели

Давлатимиз раҳбарининг “Буюк аждодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос бизга ҳамиша куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим” деган сўзлари китобнинг “Асрий донишмандлик ва Буюк уйғониш оҳангида бонг ураётган тамаддун юрти” бобининг асосий мазмунини белгилайди.



минг йиллик маънавий тажрибаси яна бир бор эътироф этилган.

Асар якунида муаллиф Ўзбекистонни ин-соният тамаддунига беназир хисса қўшган юрт сифатида тасви-рлаб, “Баъзи мамлакат-лар китоб саҳифаларига ўхшайди — ўқи-санг, ёпиб қўясан. Аммо муқаддас Ўзбекис-тоннинг тарихи келажакни белгилайдиган китобдир. Бу заминнинг ўтмишини ўрган-ган инсон ҳеч қачон аввалгидай қолмайди. Чунки ҳақиқий тарих ўргатмайди, балки мулоҳазага чорлайди, фикрлашга, ҳулоса қилишга ундайди”, дея изоҳлайди.

Маънавий мерос — Учинчи Ренессанснинг мустаҳкам пойдевори

Маънавий мерос Учинчи Ренессанснинг энг мустаҳкам пойдевори, Ўзбекистон эса ас-рий донишмандлик ва буюк уйғониш оҳанги-ни қайта жонлантираётган тамаддун бешиги экани асарда ҳаётий мисоллар ҳамда Осиё, Европа, АҚШ сиёсатчи ва тарихчи олимла-рининг асарларидан келтирилган иқтибослар орқали ёрқин тасвирланган. Минг йиллар давомида шаклланган бебаҳо маънавий ва маданий ҳазина бугунги янги Ўзбекистон тараққиётига куч-қувват бераётгани яна бир бор кўрсатиб берилган.

Муаллифнинг асарини яратишда Президе-нтимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Ҳозирги за-мон ва Янги Ўзбекистон” номи фундамен-тал китобидан илҳом олгани равшан сезилиб туради. Хусусан, “Учинчи Ренессанс — Буюк ипак йўли инновацион гояларининг вориси” деб номланган боб давлатимиз раҳбари томо-нидан Буюк ипак йўли аъналарини замона-вий шароитда қайта тиклаш ҳақида илгари сурилган гоялар ва бу жараёни олдинга етказ-лаётган иқтисодий-стратегик ташаббусларга бағишланган.

Муаллиф фикрича, Буюк ипак йўли фақат тарих саҳифаларида қолиб кетмаган, у бу му-қаддас юртининг қалбид а, халқининг хотираси-да ва маданий ўзлигида ҳамон тирик. Учинчи Ренессанс гоёси эса бу улкан меросни янги аср талаби, глобал тараққиёт тезлиги ҳамда замонавий Ўзбекистоннинг маънавий-иқти-содий ривожланиш йўли билан уйғун равиш-да бирлаштиради.

Асарда муаллиф бундай дейди: “Жаноб Шавкат Мирзиёевнинг Буюк ипак йўлини янги тарихий шароитда тиклаш ташаббу-си шунчаки стратегик қарор эмас. У дунё-га ‘Ипак йўли дарвозалари’ни очар экан, янгилликка интилади, янгиллик яратади. Менинг назаримда, бу янги дунё тартибига янгича қақирқидир. Фарқлар ажратил-майдиган, балки бойитиладиган, глобал бирлик эса миллий ўзликка ҳурматдан бошланадиган дунёни қуришга даъват-дир”.

Муаллиф таъкидлаганидек, Буюк ипак йўли аънасини тиклаш биргина иқтисо-дий ёки дипломатик лойиҳа эмас. Бу ишонч фалсафаси, кўрқув, ёпиқлик ва яккаланишга қарши кураш ҳамдир. Бир пайтлар қарвон йўллари шаҳарларни ва тамаддунларни боғ-лагани каби бугун ҳам очкиқлик, ҳамкорлик ҳамда самимият билан қалблар ва тафаккур-ларни бирлаштириш мумкинлиги ҳақидаги улкан эзгуликдир.

Қайд этилганидек, бугун Ўзбекистон-нинг жаҳон бозорларига муносиб чиқishi ва Буюк ипак йўлини замонавий таъбир

билан тиклаши — мамлакатнинг устувор мақсадларидан бири. Чунки ушбу ҳаракат-лар ва ташаббуслар Учинчи Ренессанснинг мустаҳкам пойдеворини барпо этишда му-ҳим урин тутайди. Шу билан бирга, асарда-ги “XXI асрда Ўзбекистон, кўп асрлар аввал бўлганидек, яна дунёга юзланмоқ-да; интеллектуал тараққиёт ва уйғун иқ-тисодий ҳамкорлиқни ривожлантириш борасида Ўзбекистон учун янги уйғониш даври бошланди”, Хитой, Марказий Осиё, Яқин Шарқ ва Европани боғловчи транспорт йўлаклари тизими бўлган янги Ипак йўли ҳақида билдирилаётган фикрлар Учинчи Ренессансни бунёд этиш жараёнларининг шиддатини ҳам яққол намоён қилади.

Таълим — асосий ҳаракатлантирувчи куч

Китобхон эътиборини ўзига алоҳида жалб этадиган яна бир боби “Уйғониш да-ври илм-фан ва маърифатдан бошланади” деб номланган. Негаки, бугун мамлакатимизда Ренессанснинг учинчи тўлқини янада жадал намоён бўлмоқда.



Маърифат, илм-фан ва таълим Учинчи Ре-нессанс сари дадил амалий қадамлар қўяёт-ган Ўзбекистоннинг асосий ҳаракатланти-рувчи кучига айланди. Янги Ўзбекистонда илм-фан, инновацион технологиялар ва ил-гор кашфиётлар барчамиз орзу қилган ушбу уйғонишнинг ҳаётбахш руҳини юксалтир-моқда. Аждодларимизнинг маънавий илди-злари эса замонавий Ўзбекистон тараққиётда ўзининг мустаҳкам ҳамда муносиб ифодаси-ни топаётди.

Айниқса, Президент мактаблари ўз азму шижоати, бунёдкорлик салоҳияти би-лан Учинчи Ренессанс пойдеворини бунёд этаётган ёшларимизнинг иқдоҳоналарига айланган, десак айни ҳақиқат. Ўзбекистон янги авлодини — илгор фикрлайдиган инсон-ларни шакллантирмоқда. Миллат етакчиси орзу қилаётган Ренессансни давом эттириш, янада чуқурлаштириш ҳам айнан уларнинг зиммасидир.

“Президент мактаблари, — деб ёзади покис-тонлик адиб, — Шавкат Мирзиёев-нинг шахсий ташаббуси билан ташкил этилган инновацион умумтаълим муассас-салари тармоғидир. Бундай мактабларни ташкил этишдан мақсад — замонавий дунё

қақирқларига жавоб бера оладиган янги авлод етакчилари ва мутахассисларини та-йёрлаш. Халқаро ўқитиш услублари (маса-лан, Cambridge, IB) изчил жорий этилган ушбу мактабларда таълим ва тарбия ўзе-бекистонлик ва хорижлик малакали ўқитув-чилар ёрдамида, ўқувчиларни саралаш эса қатъий танлов асосида амалга оширилади. Зеро, янги Ренессансни барпо этиш қучли инсонлар танловидир. Бу нафақат тарихий давр, балки қалб амри ҳамдир”.

Бундан ташқари, китобда Ўзбекистон миллий давлатчилик ривожининг уч минг йилдан зиёд тарихий тажрибасига оид қатор тарихий мисоллар келтирилади. Асарни ўқиган одам Самарқанддан Бухорогача, Хи-вадан Тошкентгача бўлган бепоён ўзбек за-минни асрлар давомида маданиятлар ва савдо йўллари чорраҳаси, Шарқ илмий, фалсафий ҳамда маънавий тафаккурининг юраги бў-либ келганини англаб олиши қийин эмас.

Асарда Ўзбекистон Президентининг Би-ринчи Ренессанс даврида Ўзбекистон зами-нида илм-фан соҳасида дунёга машҳур буюк донишмандлар, хусусан, Муҳаммад Хораз-мий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Имом Бухорий, Имом Мо-туридий ва бошқа алломалар, ўнлаб даҳолар

асос, балки янги, янада уйғун ва самарали дунёни шакллантиришнинг инновацион модели ҳамдир. Чунки бу концепция фан, маданият, технологиялар ва инсонпарвар-лик қадриятларини уйғунлаштирган ҳол-да инсоният тамаддунини тизимли равиш-да ўзгартириб, янгиллаб боришни таклиф этади” деб ёзади.

Эътиборга молик жиҳатларидан яна бири шундаки, ёзувчи ўз фикрини аниқ тарихий ҳужжатли маълумотлар, кўплаб ишончли манбалар ва европалик таниқли олимларнинг гувоҳликлари асосида исботлашга ҳаракат қилади. “Уша давр мутафаккирлари, олим-лари ва маданият арбобларининг аксарияти айнан туркий муҳитдан — Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Шош, Фарғона ва Насаф каби муаззам заминларда етишиб чиққан” деб уни европалик тарихчиларнинг асарларида келтирилган мисоллар ва тарихий далиллар орқали исботлайди.

Хусусан, ушбу китобда таниқли олим Фредерик Старрнинг (АҚШ) фикрини ўқир экансиз, жуда қизиқ бир тарихий далил эътиборингизни тортмай қолмайди. Муаллиф ўз асарида бундай ёзади: “XI асрда яшаган араб олим Абу Али аль-Мисрий араб тили-да ижод қилган барча “даврнинг энг муносиб кишилари” рўйхатини тузганида, умумий 415 кишининг учдан бир қисми Марказий Осиё-дан чиққан, яъни туркийлар эди. Айниқса, табиий фанлар, фалсафа ва математика соҳа-ларида Марказий Осиёнинг устултиги яққол кўзга ташланади — бу йўналишда минтақа олимлари умумий сонининг 90 фоизини таш-кил этган. Бу олимларнинг она тили асосан туркий тиллар оиласига мансуб бўлган”. Фредерик Старр алоҳида жўшқинлик билан ишончли тарзда фикр билдириб, ислом ол-тин асрининг ҳақиқий интеллектуал маркази Марказий Осиё бўлганини таъкидлайди. Ана шундай марказлар, асосан, ҳозирги Ўзбекис-тоннинг Ўрганч, Хива, Бухоро, Самарқанд, Насаф, Шош (Тошкент) Марғилон каби ўнлаб шаҳар ва қишлоқлари бўлганини қайд этади.

Бинобарин, китобда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш мақсади мустаҳкам та-рихий асосга эга экани алоҳида таъкидланади.

Юксак билим ва буюк кашфиётлар бешиги

Муаллиф ўз асарида бутун инсоният ме-росига айланган, Биринчи ва Иккинчи Ре-нессансни яратишда беназир хисса қўшган Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улугбек каби буюк алломалар ҳақида атрофлича сўз юрита-ди. Бу борада алоҳида боб ажратилиб, унинг аксарият саҳифалари ислом оламнининг Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Замаҳша-рий, Баҳоуддин Нақшбанд каби маънавий пешволари ижодий меросига бағишланган.

Жадиқчилик феномени — XIX асрнинг охирида Ўзбекистонда шаклланган маъри-фатпарварлик ҳаракати ҳам таҳлил қилина-ди. Муаллиф таъкидлайдики, жадиқлар учун халқни маърифатлаштириш тараққиётнинг қалити бўлган. У ислохотларнинг гоявий жи-ҳатларини, миллий онг уйғониши ва маъна-вий янгиланиш масалаларини покис-тонлик буюк файласуф Муҳаммад Иқбол фалсафаси билан қиёсий таҳлил қилади.

Ислохотлар таълим билан, иқтисодий та-раққиёт эса инсонпарварлик тамойиллари-ни тиклаш билан бирга кечганда барқарор тараққиётга эришиш мумкин. Шу маънода

Ўзбекистон интеллектуал компас-қутбнамо бўлиб, Евроосиёнинг қоқ юрагида жойлаш-ган мамлакат сифатида яна янги ташаббус ва мулоқотлар марказига айланмоқда. “Иккинчи Шарқ Уйғониш даври” сифатида Темурийлар Уйғониш даврига мурожаат қилишининг дол-зарблиги шундан келиб чиқади.

Зеро, Ренессанс тажрибаси энди фан, маъ-навият, маданият ҳамда инновацияларнинг ягона, уйғун ривожланиш моделига бирлаш-тирилади. Бу эса “келажак формулаларини” яратиш имконини беради. Шунинг учун ки-тобнинг бешинчи боби асосий ўринни эгал-лайди. У Урта асрлар даврининг буюклиги ва келажакка интилаётган замонавий воқелик ўртасидаги ўзига хос кўприк бўлади. Тему-рийлар Уйғониш даври Амир Темури ва унинг авлодлари — Улугбек, Шоҳрух, Ҳусайн Бой-қаро ва бошқалар ҳукмронлик қилган замон-дир. У ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида XIV-XVI асрларда гуллаб-йшанган улкан маданий ва илмий кўтарилишдир. Биринчи Шарқ Рене-сансини буюк даҳолар — Хоразмий, Беруний, Ибн Сино каби алломалар яратган бўлса, ик-кинчиси билим, куч ва санъат уйғунлигида содир бўлди. Бунда ташаббус ва режалар дав-лат сиёсатига, илм-фан эса салтанат таянчига айланди.

“Жаноб Шавкат Мирзиёевнинг таъ-бири билан айтсак деб ёзади муаллиф, за-монлар ўтади, муҳит ўзгаради. Бугунги пойдевор натижасини ўзбек халқи, албат-та, кўради. Ёшларимиздан яна кўплаб бу-хорийлар, берунийлар, улугбеклар етишиб чиқади”.

Дарҳақиқат, буюк тафаккур тарихий би-лим ва ҳақиқатга интилиш бор жойда ҳамша-давом этади. Ўзбекистон тарихи бу заминдан етишиб чиққан жаҳонга машҳур даҳоларга бой. Агар ҳозирги авлод сифатли таълим, ил-мий мадад ва фикр эркинлигидан баҳраманд бўлса, Президентимизнинг сўзлари рўбга чиқishi шубҳасиз.

Хулоса ўрнида

Умуман олганда, покис-тонлик машҳур ёзувчи ҳамда публицист Муҳаммад Аббос Хоннинг китоби моҳияти ва аҳамияти ҳақида жуда кўп фикр билдириш ва таҳлил қилиш мумкин.

Энг муҳими, ушбу асар, шубҳасиз, Учин-чи Ренессанс сари дадил қадамлар қўяётган янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар моҳиятини чуқур англашга, бу борада теран мушоҳада юритишга ёрдам бе-ради. Ҳар қандай ўқувчини кенг мулоҳазага чорлайди — унда давлатимиз раҳбарининг тарих девор эмас, балки кўприкка, келажак эса рақобат эмас, балки ҳамкорлик майдони-га айланади деган фикрлари аниқ мисоллар орқали ифода этилгани билан янада таъсир-лидир.

Бу асар китобхонга Ўзбекистоннинг мада-ний янгиланиш, халқлар мулоқоти ва ижодий ҳамжиҳатлик майдонига айланиб бораётган-ини чуқурроқ англаш имконини бериши шубҳасиз.

Дарвоқе, покис-тонлик сиёсатчи ва илмий экспертлар фикрича, ёзувчи Муҳаммад Аббос Хоннинг ушбу китоби, унда кўтарилган фикр ва талқинлар нафақат Покистонда, балки бу-тун Европа ва бошқа мамлакатларда ҳам юқо-ри баҳоланмоқда.

Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ,
сиёсатшунос



УШАЛАЁТГАН МИЛЛИОНЛАБ ОРЗУЛАР АСОСИ

Шахзод БАХТИЁРОВ,
Жиноят ишлари бўйича Деҳқонобод тумани
суди раиси

2025 йил Ўзбекистон давлатчилигида туб бурилиш даври — тараққиёт ўзани кенгайиб, янги ривожланиш босқичига асос бўлган йил сифатида тарихда қолиши шубҳасиз. Зеро, кейинги 7-8 йилдаги ислохотлар шиддати ва юрак самарасини алоҳида эътироф этган ҳолда айни пайтда янги Ўзбекистон дунё жамоатчилиги диққат-марказида экани, шунга мос равишда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, қўйингки, барча жабҳада тарихий янгиланишларга юз тутаётгани, оламшумул катта натижалар қўлга киритилаётгани, бу эса ўз навбатида, янгидан янги мақсадларга йўл очаётганини таъкидлаш ўринли.

Бунда Президентимизнинг 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини муносабати билан халқимизга йўлаган табригиди қайд этилганидек, “Ҳеч шубҳасиз, халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккури ҳамда юрак хоҳиш-иродасининг ифодаси бўлган Конституция-мизда муҳрлаб қўйилган қоғда ва тамойиллар Янги Ўзбекистонни барпо этишда барчамиз учун бекиёс куч-гайрат, ишонч ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилмоқда”.

Дарҳақиқат, кейинги вақтларда барча соҳа ва тармоқларда қўлга киритилаётган натижаларимиз замирида, энг аввало, инсонпарварлик ва халқпарварлик тамойиллари мумкин. Зеро, жорий йилда аҳоли жон бошига дарамад 3500 долларни ташкил этгани, мактаб-гача таълимда қамров 78 фоиз, олий таълимда эса 42 фоизга етгани, аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси 73,8 ёшдан 75,1 ёшга узайгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

“**ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ НОРМАЛАР, УМУМАН, КОНСТИТУЦИЯ ТЎҒРИДАН ТЎҒРИ ИШЛАЙДИГАН ҲУЖЖАТ БЎЛИШИ, ЯЪНИ УНИНГ НОРМАЛАРИНИ СУДЛАРДА ТЎҒРИДАН ТЎҒРИ ҚўЛЛАШ АМАЛИЁТИНИ ЙЎЛГА ҚўЙИШ МАҚСАДИДА ОЛИЙ СУД ПЛЕНУМИНИНГ ТЕГИШЛИ ҚАРОРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.**”

Аввало, янги таҳрирдаги Конституциямизда илгари амалда бўлган “давлат — жамият — инсон” парадигмаси “инсон — жамият — давлат” тамойилига ўзгаририлиб, Ўзбекистон ижтимоий давлат сифатида эълон қилингани, шу асосда “инсон қадри учун” гоёси барча йўналишдаги ислохотлар мақсад-моҳиятига айланганини қайд этиш жоиз.

Бинобарин, кейинги йилларда айни йўналишдаги ислохотлар самараси ўлароқ 1 миллион нафардан зиёд фуқаро камбағалликдан чиқарилди, камбағаллик даражаси 6,6 фоизга туширилди. Ўз навбатида, иқтисодийни барқарор ривожлантириш, юртдошларимиз учун муносиб турмуш даражасини таъминлаш, мустаҳкам ҳуқуқий тизим ва очиқ жамият барпо этиш йўлидаги кенг қўлмали ислохотлар дунё жамоатчилиги томонидан муносиб эътироф этилмоқда. Хусусан, 2025 йилда Барқарор ривожланиш мақсадлари индексидида Ўзбекистон 19 поғона юқори кўтарилиб, Шарқий Европа ва Марказий Осиё минтақасида энг жадал ривожланаётган мамлакат сифатида қайд этилди. Глобал инновация индексидида юртимиз Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари бўйича кучли уқлиддан жой олди. “S&P”, “Fitch” ва “Moody’s” каби нуфузли халқаро агентликлар томонидан Ўзбекистоннинг суверен кредит рейтингни оширилди.

Очиғи, ушбу рўйхатни яна узок давом эттириш мумкин. Асосийси, буларнинг барчаси Бош қонунимизда давлатнинг ижтимоий мажбуриятларига оид нормалар қарийб уч баравар ортгани ҳамда шу асосда ҳар бир инсоннинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши, яхши ўқиши, ишлаши, умуман, фаровон яшаши йўлидаги янгиланишлар самарасидир.

Ижтимоий давлатга хос ёндашув таълим, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, Конституция нормаларини судларда тўғридан тўғри қўллаш, экология ва ёшлар масаласи, очиклик сиёсати, иқтисодиёт ва тадбиркорликни ривожлантириш, одил судловга эришиш ва судьялар мустақиллигини таъминлашда ўз ифодасини топди.

Конституция устуворлиги, биринчи навбатда, судларда намоён бўлиши лозим. Чунки судга иши тушган ҳар бир инсон эрки ва ҳуқуқи айнан Конституция билан ҳимояланганини ҳис қилиши лозим.

Шу ўринда янги таҳрирдаги Конституциямизга суд-ҳуқуқ йўналишида киритилган янги нормаларга тўхталсак. Буларга қуйидагиларни мисол сифатида келтириш мумкин:

— “Миранда қоғдаси”, яъни шахсни ушлаш чоғида гумонланувчига унинг ҳуқуқлари ва нима сабабдан ушланганини содда тилда тушунтириб бериш шартлиги;



- “Хабас корпус” институти: шахс суднинг қарорига қадар кўпи билан 48 соатдан ортққ ушлаб турилиши мумкин эмаслиги;
- ўлим жазоси тақиқланиши;
- шахснинг судлангани ва ундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклашга асос бўлиши мумкин эмаслиги;
- маъбусларга нисбатан инсоний муносабат кўрсатилиши ва уларнинг қадр-қиммати таъминланиши шартлиги;
- маъмурий, фуқаролик, иқтисодий, жиноий жавобгарлик ва бошқа йўналишдаги ишларни кўриб чиқишда инсонга нисбатан қўлландиган ҳуқуқий таъсир чоралари қонуний мақсадга эришиш учун етарли бўлиши ҳамда шахсга имкон қадар енгиллик яратиши кераклиги;
- суднинг қарорисиз ҳеч ким уй-жойидан маҳрум қилинмаслиги;
- иморат бузилишга тушганда бузишдан олдин унинг қийматига мос компенсация тўлиниши шартлиги;
- уй-жойга ёки шахснинг бошқа мол-мулкига унинг руҳсатисиз кириш, уларни қўздан кечирish ва тинтув



ўтказишга фақат қонунда белгиланган ҳолат ва тартибда йўл қўйилиши.

Ушбу янги конституциявий нормалар, умуман, Конституция тўғридан тўғри ишлайдиган ҳужжат бўлиши, яъни унинг нормаларини судларда тўғридан тўғри қўллаш амалиётини йўлга қўйиш мақсадида Олий суд пленумининг тегишли қарори қабул қилинди. Шунга асосан, кейинги вақтда Конституция нормаларини суд жараёнида тўғридан тўғри қўллаш амалиёти кенгайиб бормоқда. Биргина ўтган йилда жиноят ишлари бўйича судлар ҳужжатларида Конституцияга 2023 йилга нисбатан 4,8 баравар кўп тўғридан тўғри ҳавола қилингани ҳам фикримиз тасдиғидир.

Бутун юртимизда кечаётган барча йўналишдаги ортга қайтмас ислохотлар марказида инсон омили турибди. Бу ҳаётини ҳақиқатини Президентимизнинг “Ҳар бир қарор, ҳар бир хизмат, ҳар бир жараён фақат инсон манфаатига хизмат қилиши зарур” деган қатъий даъватида, ҳар бир юртдошимизнинг яхшиланиб бораётган ҳаётида, ушалаётган миллионлаб орзуларда яққол кўриш мумкин.

Конституция — динамик, яъни ҳаракатдаги, ўсиш ва ривожланишдаги асосий ўта муҳим ҳужжат. Шу маънода, янги таҳрирдаги бош қонунимиз янги Ўзбекистоннинг улкан марраларга эришиши, пировардида, халқимиз фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Ислохотлардан қўзланган асосий мақсад шу табарруқ заминда яшаётган ҳар бир инсоннинг орзуларини рўёбга чиқариш ҳамда муносиб турмуш шaroитини яратишдан иборат экан, ҳар биримиз бу борада зимманимиздаги улкан мажбуриятни тўла ҳис этиб, масъулиятли вазифаларни сидқидилдан, ҳалол ва виждонан бажаришимиз, айниқса, бутун халқимиз ҳаммуаллиф бўлган янги таҳрирдаги Конституция нормаларига қатъий амал қилишимиз шарт.

ХАЛҚАРО МЕТРИК КОНВЕНЦИЯ: ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИГА ҚўШИЛИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

2025 йил 27 ноябрда Президентимиз “Халқаро метрик Конвенцияга Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида”ги қонунни имзолади. Мазкур конвенцияга қўшилгани мамлакатимиз тараққиётида тарихий аҳамиятга эга воқеа сифатида қайд этилди.

Бу нафақат техник соҳа, балки миллий иқтисодиёт, халқаро савдо, илмий салоҳият ва фуқаролар турмуши сифатига катта таъсир кўрсатадиган ўта муҳим стратегик қарор бўлди. Янги Ўзбекистон учун жаҳон стандартлари билан уйғунашиш, глобал илм-фан майдонидан муносиб ўрин эгаллаш, экспорт салоҳиятини ошириш ва замонавий метрология инфратузилмасини яратишда ўзининг амалий ифодасини топмоқда.



УШБУ МАҚОЛАНИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА
ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДНИ СКАНЕР
ҚИЛИНГ!



Халқаро метрик конвенция 1875 йил 20 май кунини Парижда қабул қилинган. У илмий метрология тарихидаги энг муҳим ҳужжатлардан бири бўлиб, ўтган асрлардаги техник ихтилофларни бартараф этишни кўзда тутган. Мазкур конвенция Парижда ўтказилган дипломатик конференцияда ўша даврнинг илгор давлатлари иштирокида қабул қилинган ва жаҳон миқёсида ягона, аниқ ва ишончли ўлчаш тизимини барпо этишга қаратилган.

Конвенция қабул қилинган даврда давлатларда турлича ўлчаш тизими мавжуд бўлган. Шу сабабли савдо, саноат ва илм-фан соҳаларида қўлпаб мураккабликлар юзага келган. Мазкур муаммоларни ҳал қилиш учун умуминсоний ечим сифатида ягона метрологик асос яратиш зарурати туғилган. Парижда қабул қилинган талаблар айнан шу муаммоларга йўналтирилган бўлиб, барча давлат учун умумий эталон ва ўлчаш қоидаларини белгилла берди.

Конвенция имзолаганидан кейин давлатлар унга босқичма-босқич қўшилиб борди. Бутун дeяр-ли барча минтақа ушбу конвенция иштирокчисидир. Бу ҳужжатнинг глобал аҳамияти ва универсал қийматини янада оширган. Конвенциянинг амалий ижросини таъминлаш мақсадида Парижда Халқаро тарози ва ўлчовлар бюроси ташкил қилинган. Бюро халқаро эталонларни сақлаш, доимий янгиллаш ва аъзо давлатлар билан илмий ҳамкорлик қилиш вазифаларини бажаради. Шунингдек, мамлакатлар ўртасида ўлчовлар бирдамлигини таъминлашда глобал илмий марказ вазифасини ўтайди.

Мазкур ҳужжат қабул қилинганидан кейин бир неча бор такомиллаштирилган. Бундай ўзгаришлар илм-фан тараққиёти, технологиялар ривожини ва давлатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг кенгайиши билан боғлиқ. Унинг мукамаллиги ва замонавий талабларга мослиги эса конвенциянинг аҳамиятини янада оширмоқда.

Ўзбекистоннинг Халқаро метрик конвенцияга қўшилиши юртимизда илгор метрологик тизимни шакллантиришда муҳим бурилиш нуқтаси бўлди. Бу қадам миллий стандартлар ва ўлчаш жараёнларини халқаро меъёрлар билан уйғунаштириш, савдо-сотиқда шаффофликни таъминлаш ва илмий тадқиқот ишларини янги босқичга кўтариш имконини беради.

Мамлакатимиз энди халқаро консултиват қўмиталарда иштирок этиши, Халқаро тарози ва ўлчовлар бюросининг амалий фаолиятида тўла ҳуқуқли иштирокчига айланиши, миллий мутахассисларнинг хориждаги лабораторияларда малака оширишини таъминлаш мумкин. Бу эса Ўзбекистонда



юқори малакали метролог кадрлар етиштишини тезлаштиради. Илмий салоҳиятини кучайтиради ва ички инфратузилмани тубдан янгилайди.

Метрология ва иқтисодиёт ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Расмий тан олинган ўлчовларсиз экспорт-импорт жараёнидаги баҳолаш, сифат назорати ва маҳсулот ҳавфсизлиги масалалари етарли даражада ҳал этилмайди. Шу сабабли конвенцияга қўшилиш иқтисодиёт учун иқтисодий муносабатларда техник тўсиқларни камайтириш, экспорт маҳсулотларининг халқаро бозорда тан олинishiда янги имкониятлар яратиш, инновацион технологиялар ва замонавий ишлаб чиқариш жараёнларини

“

Мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиши жараёнида техник тўсиқларни бартараф этиш асосий шартлардан биридир. Халқаро метрология тизимига тўлақонли интеграция бу жараённи сезиларли даражада енгиллаштиради. Чунки ЖСТ стандартлар, техник регламентлар ва ўлчовлар ягоналигига қатъий эътибор қаратади.

жорий этишни осонлаштириш, хорижий сармоядорлар учун ишончли муҳит яратиш, саноатда сифат бошқарувини яхшилаш каби йўналишларда стратегик аҳамият касб этади.



Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг халқаро бозордаги рақобатбардошлиги айнан ўлчовлар аниқлиги ва стандартларга мослиги билан белгиланади. Метрологик базанинг кучайиши эса миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади.

Мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиши жараёнида техник тўсиқларни бартараф этиш асосий шартлардан биридир. Халқаро метрология тизимига тўлақонли интеграция бу жараённи сезиларли даражада енгиллаштиради. Чунки ЖСТ стандартлар, техник регламентлар ва ўлчовлар

Миллий метрология институти томонидан термо-техника, электр воситалари, масса ва нуруланишга оид эталон базасининг янгиланиши, корхоналарда ўлчаш воситаларининг халқаро мезонларга мувофиқ тарзда синовдан ўтказилиши, саноат тармоқларида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар сифати ва ҳавфсизлигини баҳолаш бўйича янги методикаларнинг жорий этилиши илмий асосланган ишланмаларнинг амалдаги натижаларидир. Шунингдек, миллий стандартлар фондининг янгиланиши, янги авлод лабораторияларининг ташкил этилиши, энергетика, фармацевтика, озиқ-овқат, минерал хомашё ва саноат соҳалари учун ўлчаш халқаро ISO ва IEC стандартларининг локаллаштирилиши мамлакат илмий салоҳиятининг амалдаги ифодасидир.

Бундан ташқари, корхоналарда рақамли ўлчаш платформалари, лаборатория менежменти, маҳсулот ҳавфсизлиги ва аттестация жараёнларини автоматлаштирувчи маҳаллий дастурлар ишлаб чиқилиши янги Ўзбекистоннинг стандартлаштириш ва метрология соҳасидаги илмий-инновацион ривожланишга қўшаётган улкан ҳиссасини кўрсатади.

Аҳоли учун Халқаро метрик конвенцияга қўшилишининг аҳамияти шундаки, барча ўлчов воситаларида аниқлик ва адолат таъминланиши фуқароларнинг кундалик сарф-харажатида бевоcита таъсир қилади. Масалан, бозорда харидор сотиб олган гўшт, мева-сабзавот ёки дон маҳсулотининг вазни мутлақо аниқ ўлчаниши, ортқча ёки кам қириб юбориш ҳолатларининг олди олинади. Ёнилги қўйиш шохобчаларида автотранспорт воситаларига қўйилган бензин ёки газнинг ҳажми ҳақиқий миқдорга мос бўлиши таъминланади. Бу эса ҳар бир литр учун адолатли тўловни кафо-

латлайди. Дорихоналарда дори-дармонлар дозаси аниқ ўлчаниши бемор саломатлиги учун жуда муҳим бўлиб, ноаниқ ўлчаш орқали дори кам ёки кўп берилиши эҳтимоли кескин камаяди. Коммунал

хизматларда ҳам аҳоли манфаати ҳимоя қилинади: электр энергияси, иссиқлик, сув ва газ ҳисоблағичлари халқаро мезонларга мос тарзда текширилиши ҳисоб-китобларнинг шаффоф ва ишончли бўлишини таъминлайди. Истеъмолчилар ҳар бир харид, хизмат ёки ҳисоб-китобда адолат, аниқлик ва шаффофликни ҳис қилади. Бу эса аҳоли турмуш сифати ва давлатга ишонччи янада оширади. Ўлчовлар аниқлиги қанчалик юқори бўлса, истеъмолчи ҳуқуқлари шунчалик ҳимоя қилинган бўлади. Сифатсиз ва хатарли маҳсулотлар қириб келишининг олди олинади, энергия ва ресурслардан фойдаланишда шаффофлик таъминланади.

Халқаро метрик конвенцияга қўшилиш Ўзбекистон учун фақат техник жараён эмас, балки стратегик йўналиш сифатида долзарб аҳамият касб этади. Ушбу қадам мамлакатимизда илмий салоҳиятини мустаҳкамлайди, сифат инфратузилмасини замонавий даражада шакллантиради, халқаро иқтисодий интеграцияни тезлаштиради.

Шу билан бирга, бу янгилан мамлакатимизга халқаро консултиват қўмиталар ҳамда Халқаро тарози ва ўлчовлар бюроси лабораториялари фаолиятида тўлақонли иштирок этиш, миллий мутахассисларнинг хорижда малака ошириши ва стажировкаларда иштирок этиши, халқаро савдода техник тўсиқларни камайтириш, маҳаллий маҳсулотларнинг жаҳон бозорига рақобатбардошлигини ошириш каби кенг имкониятлар яратяди. Шунингдек, инвесторлар ва халқаро ташкилотлар ишончини мустаҳкамлайди, экспорт салоҳиятини кенгайтиришга хизмат қилади, халқаро эътироф этилган ўлчов натижаларидан фойдаланиш имконини беради, юртимизнинг халқаро рейтинг ва индекслардаги кўрсаткичларини яхшилайди.

Президентимиз томонидан имзоланган қонун мамлакатимизда аниқ ва ишончли ўлчаш амалиётини халқаро мезонлар даражасида ривожлантириб, метрология соҳасида барқарор ўсишни таъминлаш ва янги Ўзбекистоннинг глобал ҳам-жамиятдаги нуфузини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Наибохон МАМАДАЛИЕВА,
Техник жиҳатдан тартибга солиш
агентлиги директори маслаҳатчиси,
филология фанлари доктори,
профессор

Илм-фан тинимсиз изланиш демакдир. Тадқиқотчи бутун вужуди билан қўлга киритаётган дастлабки ва кейинги натижаларни яхлит тизимга солади, ўтказаяётган тадқиқоти аҳамияти, қийматини англаши, уни ёқлаши жараёнида тобланиб боради. Танланган йўналиш, соҳага қизиқиш ва муваффақиятга эришиш инсондан катта қатъият ва тинимсиз меҳнат талаб қилади. Юртимизда ўз сўзига эга, изланишлари билан илм-фан ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган хотин-қизлар кўпчилиكنи ташкил қилади. Уларнинг тадқиқот ва изланишлари, илгари сураётган лойиҳалари тиббиёт, саноат, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий-маърифий ва маданий соҳалар ривожига хизмат қилмоқда.

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Шу йил октябрь ойида Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти, профессор Шаҳло Турдиқуловага Жаҳон фанлар академияси (TWAC) академиги дипломи топширилди. Биотехнология бўйича докторлик, биокимё ва ҳужайра биологияси бўйича фан доктори даражасига эга олима мамлакатимизда инсон генетикаси тадқиқотларини муваффақиятли ўтказди ва 670 та касалликка мойиллик генлари билан боғлиқ 1450 та генетик маркерни аниқлади. 24 минг намунадан иборат миллий ДНК банкни яратди. У юртимизда биринчи ПЗР тестини ишлаб чиқишга раҳбарлик қилди ва ZF-UZVAC-2001 COVID-19 вакцинасининг клиник синовларига ҳамроҳлик қилди. Олиمانинг Жаҳон фанлар академияси академиги этиб сайлангани юртимизда хотин-қизларнинг илм-фан билан шугулланиши учун яратилган имкониятларга яна бир далил бўлди.

Жорий йил ноябрь ойида пойтахтимизда бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви доирасида адабиёт, маданият, санъат, фан, таълим ва рақамли технологиялар соҳаларида катта ютуқларга эришган бир гуруҳ етук мутахассисларга “Келажақ мероси” мукофоти топширилди. Халқаро миқёсда тан олинган бу мукофот билан Озарбайжон ҳамда Марказий Осиё давлатларининг таниқли шахслари қатори юртдошимиз Дилфуза Эгамбердиева ҳам тақдирланди.

Ҳозир мамлакатимиз илм-фанида 5000 га яқин олима аёл-қиз фаолият кўрсатмоқда. Фанлар академияси тизимидаги 30 дан ортиқ илмий-тадқиқот муассасасида 5 академик, 117 фан доктори, 272 фан номзоди ва фалсафа доктори бўлган хотин-қизлар илм-фан билан машғул.

— Тизимда аёллар сони йилдан йилга ошиб бормоқда, — дейди Фанлар академиясининг ижтимоий-гуманитар фанлар бўлими раҳбари Нодира Мустафоева. — Таянч докторантура ҳамда докторантурада таъсил олаётганлар орасида аёл-қизлар 30-35 фоизни ташкил қилапти. Энг муҳими, аниқ ва табиий фанлар йўналишида изланувчилар улуши ошиб бормоқда.



“

ТЧЭЭ — ТАБИАТДА МАВЖУД, БЕЗАРАР, ҚАЙТА ТИКЛАНДИГАН, ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗ ЭРИТУВЧИЛАР БЎЛИБ, ХАЛҚОНА АЙТГАНДА, ЎСИМЛИКЛАРДАН МОДДА АЖРАТИШДА ЗАҲАРЛИ ОРГАНИК ЭРИТУВЧИЛАР ЎРНИНИ БОСАДИГАН ЯНГИ АВЛОД “ЯШИЛ” КИМЁ ТЕХНОЛОГИЯСИДИР.

айтганда, ўсимликлардан модда ажратишда заҳарли органик эритувчилар ўрнини босадиган янги авлод “яшил” кимё технологиясидир. Бу эса дори ишлаб чиқаришдаги асосий муаммолардан бири — кимёвий эритувчилар қолдиргани камайитиришга амалий ечим бўлади. Кимёвий эритувчилар қиммат, экологик зарарли ва баъзан маҳсулот таркибида қолгани сабабли заҳарли таъсир

фаол қўшимчалар, косметик гель ва кремлар яратиш имкониятини кенгайтирмоқда. Иккинчидан, Ўзбекистонда экологик тоза технологияларга асосланган фармацевтика саноатини шакллантириш учун илмий пойдевор ҳозирламоқда. Учинчидан, ТЧЭЭда ажратилган моддалар асосида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар халқаро бозорда рақобатбардош бўлиши мумкин.



Илмий-тадқиқот муассасаларида

ИЛМ-ФАНДА ЯНГИ ИШЛАНМАЛАР БУНДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР

Маҳаллий ўсимликлардан юқори қийматли маҳсулотлар

Ўғилрой Юсупова янги авлод олималаридан. Унинг фаолияти нафақат лабораториядаги натижалар, балки мамлакатда табиий дори-дармон ишлаб чиқиш борасидаги янги йўналишларни бошлаб бергани билан ҳам аҳамиятли. Олима Ўсимлик моддалари кимёси институтида ўтказаяётган тадқиқотлари асосида Ўзбекистон флорасига мансуб ноёб ўсимликларнинг кимёвий таркибини чуқур ўрганмоқда. Улардан саломатликка фойдаланиш моддалар ажратиб олиб, замонавий дори, биологик фаол қўшимчалар ва косметик воситалар яратиш учун илмий асосларни ишлаб чиқмоқда. Ўғилройнинг халқаро доирада эътироф этилган ишларидан бири — 2022 йилда чоп этилган илмий китоби бўлди. Унда фитостероидлар кимёси, биологияси, табиий манбалари ва доривор қўлланишига оид энг замонавий маълумотлар жамланган. Шунингдек, китобда ўсимликларнинг фитостероидлари илк бор кенг қамровда таҳлил қилинган. Тадқиқотчининг илмий фаолияти фақат назарий таҳлиллар доирасида чекланмай, амалиётда ҳам катта самара бермоқда. Унинг изланишлари асосида қондаги қандни меъ-ёлаштирувчи “Силабет” биологик қўшимчиси ва яллиғланишга қарши янги авлод “Остропин” концепцияси ишлаб чиқилди.



— Ҳозир ушбу фаол қўшимчалар ишлаб чиқаришга жорий этилиш босқичида турибди, — дейди олима. — Бу каби ишланмалар маҳаллий хомашёдан тайёрланган доривор маҳсулотлар тури кенгайтиришга замин яратди.

Ўғилрой Юсупованинг сўнгги йиллардаги энг истиқболли тадқиқот йўналишларидан бири — чуқур эвтектик эритувчилар (ТЧЭЭ) технологияларидан фойдаланиб, табиий моддалар ажратишдир. ТЧЭЭ — табиатда мавжуд, безарар, қайта тикланган, экологик хавфсиз эритувчилар бўлиб, халқона

Жаҳон илм-фани нуқтаи назаридан эса бу тадқиқотлар Ўзбек флорасидаги ноёб табиий бирикмаларни барқарор, биологик хавфсиз, юқори самарали шаклларда тадқиқ қилишнинг янги йўлини очди. ТЧЭЭ технологиялари дунёда “яшил” кимё, “биологик эритувчилар” ва “суғий интеллект асосида дори яратиш” каби йўналишларга тўғридан тўғри ҳисса қўшмоқда. Ўғилройнинг тадқиқотлари мана шу глобал муаммолар — инсон саломатлиги ва экологик хавфсизлик масалаларига замонавий, амалиётга яқин ечим тақдим этмоқда.

Улар асло кам эмас

Фанлар академияси Санъатшунослик институти тадқиқотчиси Малаҳат Туробованинг илмий лойиҳаси “Ногиронлиги бор болалар учун инклюзив кўғирчоқ театри спектакллари яратиш” мавзусига бағишланади.

Ногиронлиги бор болалар (эшитиш, кўриш, нутқ, ҳаракат ёки ақлий ривожланишида муаммоси бўлганлар) маданий ҳаётда тўлиқ иштирок этиш ҳуқуқига эга. Кўғирчоқ театри эса болалар билан мулоқот қилишнинг ноанъанавий, самарали ва таъсирчан усули сифатида жуда қулай санъат шаклидир. Ўзбекистонда профессионал ва бир неча ҳаваскор кўғирчоқ театрлари ривожланиб келмоқда. Замонавий рақамли технологиялар тараққиёти шароитида, инклюзив санъат тамойиллари асосида визуал, аудиовизуал ва интерфаол технологиялардан фойдаланиш, кўғирчоқ образлари орқали болаларнинг эмоционал ва коммуникатив ривожланишига самарали таъсир кўрсатиш имконияти анча юқори.

Юртимизда инклюзив кўғирчоқ театри назарияси ва амалиётини шакллантиришда илмий асослар етарли эмас. Бундай болалар учун махсус мўлжалланган театр технологиялари, кўғирчоқ театри режиссураси, образ психологияси каби масалалар яхши тадқиқ этилмаган. Айниқса, эшитиш ва кўришда нуқсонли бор болалар учун махсус форматлар таъсирини таҳлил қилишга эҳтиёж юқори. Бундай театр тури болаларнинг фикрини ифода этиш, мулоқот қилиш ва жамиятга интеграциялашуви учун аҳамияти амалиётда кўринса-да, илмий таҳлили ва баҳолаш ме-зонлари мавжуд эмас. Инклюзив спектакль яратиш жараёнида режиссерлик, педагогика ва дефектология соҳалари ўртасидаги интеграциянинг услубий асослари етарли эмаслиги тадқиқотга асос бўлди.

— Ушбу лойиҳа ногиронлиги бор болалар учун замонавий технологиялар асосида инклюзив кўғирчоқ театри видеоспектакллари ишлаб чиқишни кўзда тутди, — дейди олима. — Мазкур маҳсулотлар YouTube ва

бошқа онлайн платформалар орқали бутун республика бўйлаб тарқатилди. Бу лойиҳа театр санъатини рақамлаштириш орқали кенг аудиторияга етиб бориш, барча болалар учун тенг маданий муҳит яратиш, ихтисослашган видеомаҳсулотлар ёрдамида “ақли таълим” имконини кенгайтириш, жамиятда инклюзивлик маданиятини ривожлантириш ҳамда ижтимоий инновация сифатида имконият тенглигини таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистонда кўғирчоқ театрида инклюзив ёндашуви тадқиқ этишга қаратилган изланишда ногиронлиги бор болалар эҳтиёж-ларига мослаштирилган саҳна ечимлари, кўғирчоқ воситалари ва визуал-коммуникатив технологияларни жорий этиш масалалари илмий асосда таҳлил қилинади. Шунингдек, инклюзив кўғирчоқ спектакллари учун методик тавсиялар, мультимедияли ресурслар ва режиссура йўналишидаги янги ёндашувлар ишлаб чиқилади.

Инклюзив болалар учун кўғирчоқ спек-такллари нафақат тарбия ва санъатга, балки илм-фан, хусусан, педагогика, психология, логопедия, дефектология, санъатшунослик ва соғлиқни сақлаш каби соҳаларга сези-ларли ҳисса қўшади. Хусусан, педагогикада инклюзив таълим моделларини кенгайтира-ди. Спектакллари кўриш, эшитиш, сезги, ҳаракат орқали билим берилиши сабабли илм-фан учун янги мультимодал ўқитиш мо-деллари ишлаб чиқиш имконини яратади.

Бой маданият ифодаси

Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақал-поғистон бўлими таянч докторанти Шаҳ-ноза Ахияеванинг илмий ишида жировлар, бахшиларнинг ижод намуналарини ёшларга анимацион услубда тақдим этиш мавзуси кў-тарилган.

— Халқ достонлари деярли барча туркий халқларда мавжуд ва улар турли шаклда маънавий обида сифатида яшаб келмоқда, — дейди тадқиқотчи. — Фольк-лоршуносларимиз жировлардан достон-ларни ёзиб олиш ишларини XX асрнинг 40-50 йилларида бошлаган. Жараён фақат қоғоз-қалам ёрдамида бажарилган.

Фольклор намуналари, ижрочилари, ижро усуллари ҳамда бошқа халқлар санъати билан муштарак ва ўзига хос хусусиятларини ёри-тишга оид илмий-оммабоп анимацион видео ишлаб чиқиш бутун долзарб вазифалардан. Зотан, ушбу лойиҳа республика бахшичи-лик санъати маркази, музика ва бахшичилик мактаблари, маънавият ва маърифат, ахборот-ресурс марказлари, музейлар, олий таълим муассасалари, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасалари фаолияти учун муҳим интеллектуал база сифатида хизмат қилади.

— Шу вақтга қадар Қорақалпоғистонда жиров, бахшилар ҳаёти ва ижоди анимацион шаклда ишланмаган, — дейди Шаҳноза Ахияева. — Бутун дунёда технология ривожлангани сари ёшларимизга китоб ўқитиш қийинлашиб бор-моқда. Шу боис, қисқа метражли анима-цион фильм яратиш зарурати вужудга келди. Чунки анимацон фильмларнинг инсонга, айниқ-са, ёшларга таъсири кучли.

Қорақалпоқ халқ оғзаки ижоди, хусусан, халқ достонлари бўйича бир қанча ишлар қилинган. Мазкур лойиҳа орқали эса жи-ров-бахши ва халқ достонларининг мавжуд вариантлари кенг миқёсда илмий-оммабоп шаклда ўрганилган ҳолда замонавий ахборот технологиялари воситасида рақамлаштири-лади ва анимацион шаклда ишланади. Бу ўз-ўзидан ҳозиргача эълон қилинган бошқа ўқув адабиётларидан фойдаланиш имконияти кенглиги, глобаллашув даврида жаҳон ҳам-жамиятига тарғиб этилишини чекисизлиги ва қулайлиги билан ажралиб туради. Шунинг-дек, маҳаллий ва хорижий тадқиқотчилар учун тушунилиши қийин сўзларнинг изоҳли лугатини яратиш, шу орқали ёшлар ҳамда жаҳон ҳамжамиятининг номдоий маданий меросга эътиборини ошириш кўзда тутилган.

Ҳозирги қорақалпоқ жировлари, бахши-лари ва улар икром этган достонлар бўйича маълумотлар тўплаш, алоҳида муҳим эле-ментларини ЮНЕСКО томонидан муҳофаза қилинадиган объектлар рўйхатида қиритишга тайёргарлик, маданий меросга оид маълумотларни оммалаштириш режалаштирилган. Шунингдек, рақамли архивларни яратиш, ахборотни визуализация қилиш ва маданий мероснинг компьютер таҳлилини ўтказиш кутиляпти.

Таассурот

Замонавий давлат бошқаруви тизими глобал ўзгаришлар, технологик тараққиёт ва жамиятнинг ошиб бораётган эҳтиёжлари таъсирида тезкор, мослашувчан ҳамда инклюзив бўлиши зарур. Айниқса, гендер тенгликни таъминлаш, аёллар етакчилигини ривожлантириш ва давлат хизматида инсон ресурсларини модернизация қилиш бугун устувор йўналишлар қаторида туради. Шу нуқтаи назардан яқинда Францияда ўтказилган “Аёл раҳбарлар: раҳбарлик салоҳияти ва иш жойида тенглик” мавзусидаги халқаро стажировкада иштирок этганим касбий ривожланиш, раҳбарлик компетенцияси ва стратегик фикрлаш кўникмасини сезиларли даражада бойитишимизга ёрдам берди.



Шоҳида ИБРОҲИМОВА,
“Раҳбар аёллар мактаби”
тингловчиси

Франциянинг Давлат хизмати ва-зирлиги ҳузуридаги давлат хизматини бошқариш бош бошқармаси фаолияти

билан танишув, айниқса, эсда қолар-ли, унутилмас хотираларга бой бўлди. Бу ерда француз давлат хизмати тизи-мининг институционал архитектураси, кадрлар сиёсати, гендер тенгликни таъ-минлаш стратегияси ва давлат хизмати-ни модернизация қилиш жараёни ҳақида кенг маълумотга эга бўлдик. Аёлларни раҳбарликка тайёрлаш, малака ошириш дастурлари, тенг имкониятларни кафо-латловчи механизмлар ва натижадорлик-ка асосланган баҳолаш тизимининг иш-лаш жараёни билан бевосита танишдик. Хусусан, гендер тенглик бўйича барча давлат идораларида аниқ индикаторлар, мониторинг тизими ва самарадорлик кўрсаткичлари мавжудлиги ҳамда бу ти-зимнинг изчил ишлаётгани эътиборни тортиди. Мазкур ёндашув Ўзбекистон амалиёти учун ҳам муҳим методологик асос бўлиши мумкин.

Франция Давлат хизмати миллий ин-ститутида ўтказилган тренинглار стажир-ровканинг энг таъсирчан қисми бўлиб, улар аёл раҳбарлар учун мўлжалланган



замонавий ўқув моделларига асосланган эди. Хусусан, ЮНЕСКО эксперти ўтказ-ган коммуникатив психологияга бағиш-

ланган машғулотлар раҳбарликда сама-рали мулоқот нақадар муҳимлигини яна бир бор тасдиқлади.

Рақамли бошқарув бўйича давлат ра-қамли сектори экспертлари ўтказган се-минарларда давлат бошқарувида мосла-шувчан етакчилик модели қай даражада жорий этилаётгани ёритиб берилди. Маз-кур ёндашувнинг асосий устуни бўлган тезкор мослашув, очиқ мулоқот, шаффоф-лик, жамоавий фикрлаш ва инновацион қарорлар қабул қилиш давлат хизматла-рининг тезлигини ва сифатини ошириш-да муҳим омил эканини англадик. Бу тажриба Ўзбекистонда давлат хизматини ривожлантириш учун ҳам долзарб бўлиб, келажақда рақамли бошқарувини ривож-лантириш йўналишида муҳим имконият-лар яратиши мумкин.

Стажировкада ўрганганларимиз фа-олиятимизда амалий аҳамият касб этади. Ушбу стажировка нафақат халқаро таж-рибани ўрганиш имкониятини берди, балки мамлакатимиз давлат хизмати тизимида аёллар иштирокини қучай-тириш, гендер тенгликни таъминлаш, инновацион бошқарув ёндашувларини татбиқ этиш ва инсон ресурсларини ривожлантириш бўйича янги страте-гик қарашларни шакллантиришда ўзи-га хос амалий платформага айланди. Франциянинг илгор тажрибаси асосида ишлаб чиқилган тақлиф ва ташаб-буслар юртимизда самарали, замонавий давлат бошқаруви тизимини шакллан-тириш йўлида муҳим ўрин тутди.

Албатта ўқинг!

Ўсмаар хосияти

(“СЎЗ ХУСУСИДА СЎЗ” КИТОБИДАН)

Асли “зумурруд” бўлган “зумрад” сўзи бор. Бу қизларга исм қилиб ҳам қўйилади. Бу сўзнинг “зумрат” шакли, сўз охиридаги жарангли товуш “д”нинг жарангсизланиб “т”га айланиши ва ўртадаги “у” ва битта “р” товушининг тушиб қолиши натижасида вужудга келган. Сўз ўртасидаги товушларнинг тушиб қолиши “тортилиш” дейилади. Одий сўзлашув тилида тортилиш кўп учрайди, кабутар — каптар, Мухаммадмин — Мадамин сингари.

Мумтоз адабиётда мазкур сўзларнинг “зумрад” шакли ишлатилмайд. Фақат “зумуррад” ёки “зумурруд” ишлатилади. Шу ерда бир жиҳатни аниқлаб олсак. Араб ёзувида зе, ре, мим ва дол ҳарфларидан иборат сўзни “зумрад” деб ўқиш ҳам мумкин. Уни “зумуррад” ёки “зумурруд” деб ўқиш кераклигини қаердан билиш мумкин? Буни аниқлаш учун лугатларга, хусусан, эски лугатларга мурожаат қиламиз. Масалан, “Гуёс-ул лугат”да шу сўз “зумуррад” ва “зумуррад” деб ўқилиши айtilган. Лекин бу билан ки-фояланмаймиз ва шерга мурожаат қилиб, шернинг вазнидан шу сўзнинг қайси кўринишда ишлатилганини билиб оламиз. Масалан, Хусайний шу сўзни фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун вазнидаги бир шерда келтирган:

Ул зумуррад хатки, чикмиш лаъли хандон устина,
Сабзайидурким, тушуптур оби ҳайвон устина.

“Ул зумуррад”нинг руқни фоилотун. Агар “ул зумрад” десак, “фоилотун” вазнига тушмайди, бошқа “мафъувлун” деган руқ бор, шунга тушади. Бу байтда очик юзли, одобли ва болиғу фасиҳ ўспириннинг янги чиққан, кўкиш тус олган қора мурти васф этилган. Мурут “зумуррад” хат деб аталган. “Хат”нинг лугавий маъноси чизик ва ёзувдир. Мурут ҳам шоир тасав-вурида борлиқ расоми ёки хаттоти томонидан инсон юзининг сафасига тортилган гўзал чизик ёки ҳарфдир. “Зумуррад”дан мурод мўйловнинг янги кўқарган майса-деклиги ва кўкиш тусдаги қоралигидир. Лаъл, яъни ёқутга ўхшаган қизил тошдан мақсад бўлади. “Хандон” кулиб турувчи дегани.

“Ул зумуррад хатки чикмиш лаъли хандон устина” деганда боғловчи бўлмиш “ки”дан кейинги сўзлар аниқловчи эргаш гап бўлиб, “хат”ни аниқлаб келяпти. Агар мазкур мис-рани “ки”сиз наср билан айтсак, “лаъли хандон устина чикмиш ул зумуррад хат” бўлади. “Лаъл” сўздан кейинги ургусиз талаффуз этиладиган “и” изофа кўмакчиси сўзнинг олдинги сўзга аниқловчи бўлиб келганини билдиради. “Лаъли хандон” хандон кулувчи лаъл, иккинчи мисрадаги “оби ҳайвон” ҳайвон оби, яъни ҳаёт суви дегани. “Ҳайвон” сўзнинг “тирик” деган маъноси ҳам бор. Шунга биноан тирик организмларнинг ҳам-маси “ҳайвон” дейилади. Байтнинг биринчи мисрасидаги “зумуррад”, “хат” ва “лаъл” сўз-лари истиора қилинган.

Байтнинг иккинчи мисраси “сабзайи-дурким, тушуптур оби ҳайвон устина”. Бу мисрадаги “сабза” сўзи кўкат, майса деган маънода.

Ундан кейинги ургусиз ва чўзиб талаф-фуз этиладиган “йи” кўрсатиш юкломаси-дир. Кўрсатиш юкломаси унли ҳарф билан тугаган сўзлардан кейин “йи” билан “йи” деб, ундош билан тугаган сўзлардан кейин “йи”сиз “и” деб айtilади. Демак, “сабзайидурким”ни “шундай сабзайидурки” деб тушуниш керак.

Бундан ангишладикки,
Ул зумуррад хатки,
Чикмиш лаъли хандон устина,
Сабзайидурким, тушуптур

оби ҳайвон устина
байтини “кулиб турган лаб устидаги янги

чиққан мурут ҳаёт чашмаси устида унган майсадир” деб тушунишимиз керак экан. Бундай дейишдан шоирнинг мақсади шуки, тиришиб илму ҳунар ўрганаётган, ёмон қи-лик ва ярамас ишлардан ўзини тия олган хушфёъл йигитчининг жавоҳири унинг ўзи билан, у турли тошларга муҳтож эмас, унинг озги ҳаёт чашмасидир. Чунки оғзидан ярам-с сўзлар эмас, балки эшитган кишининг умрини узайтирадиган ширин ва фойдали сўзлар чиқади. Шундай боланинг ота-онаси, ака-укаси ёки опа-синглиси ёхуд дўсти бўл-ган кишига зумурраду лаъл ва ҳаёт сувининг кераги йўқ.

Мазкур сўзнинг, яъни “зумуррад”нинг “зумрад” шакли ҳам ҳозир адабий тилдан ўрин олган. Аммо ёзганда охириги товуш “д” ҳарфи билан ёзилади. Бинобарин бу сўзни “зумрад” шаклида ишлатиш меъёрий ҳолат-дир. Масалан, Уйғун:

“Қумуш қишдан, зумрад баҳордан
Қолишмайди кўзнинг зийнати”,
деган. Аммо бадий нутқда “зумуррад” ҳам ишлатилади. Зумрад кўпроқ оддий ус-лубга хос, масалан, “зумрад кўзли узук ол-дим” деганда зумрад шакли муносиброқ бўлса, “зумрад кўкда тинчлик кабутари пар-воз қилмоқда” деганда “зумуррад” шакли му-носиброқ тушади.

Мазмундор исмлардан бири МАННОП бў-либ, бунинг асл шакли “маноф”, лугавий маъ-носи юксак, улғудир. Араб лугатларида бу сўз тоққа нисбатан ишлатилиши кўрсатилаган.



“Манноф” сўзи кирғиз тилида “манап” шаклида оқсоқол маъносига қўлланади. Эски вақтда манап уруғ ёки қабилянинг улуги ҳи-سوبланган ва у ўз фуқаросининг мулки ва ку-чидан истаганича фойдаланган. Одатда ман-апнинг хусусий мулки бўлмаган. Шунга биноан “манап бўлсун бай бўлбўйсун”, яъни “манап бўлсанг, бой бўлмайсан” деган кирғиз мақоли ҳам вужудга келган. Шу билан бирга, қадим-да маналарнинг даражаси турлича бўлган. Уларнинг энг улуги “чўнг манан” ёки “оға ма-нап”, кичиги “чала манан”, энг кичиги “чўлқ манан” деб аталади. Манап наслидан бўлгани “жинжирклуу манап”, фуқародан чиққани “бу-қара манан” дейилган.

“Маннон” исмининг лугавий маъноси миннат қилувчидир. Миннат сўзи ҳам ижо-бий, ҳам салбий маъноларда қўлланади.



Ижобий маънода миннат кишига қувонади-ган даражада яхшилик қилишдир. Салбий маънода миннат кишига қилган яхшилик-ни унинг юзига солиб таъна қилишдир. Шу маънодаги миннат номардлик аломати ҳисобланади ва “номарднинг иши миннат-дир”, дейилади. “Миннат” сўзнининг ушбу икки — ижобий ва салбий маъносига асо-сан, “маннон” сўзи ҳам салбий ва ижобий маъноларда қўлланади. Ижобий маънода “маннон” кишига уни қувонтирадиган да-ражада яхшилик қилувчидир. Маннон ва Абдуманнон исмларида бу сўзнинг мана шу ижобий маъноси назарда тутилади. Аммо “маннона” махсус салбий маънода ҳам истемол қилинади. “Маннона” сўзи-нинг охиридаги “а” “шоира”, “муаллима” сўзларидаги каби муанасил, яъни хотин-қизликни билдирувчи қўшимчадир. “Ман-нона” сўзи махсус маънода қўлланганда бойлик, амал ёки зодагонлик нуқтаи наза-ридан ўзининг турмуш ўртоғига зулм, тазий-қ қиладиган хотин ёки шундай қилиши мумкин бўлган қиз тушунилади.

Саъдий Шерозий “Тулистон” асарида бир маннонага ўйлангани ва унинг оқибати ҳақи-да қизик ҳикоя келтиради.

Ҳикоянинг қисқача мазмуни бундай: Саъ-дий саёҳат қилиб юрган вақтларида Дамашқда бир муддат дўстларининг суҳбатида бўлган зерикача ва Қуддусга қараб йўл олади. Тараб-лусга келганда фаранглар қўлига асир бўлиб тушади. Бир кун уни бир ғуруҳ яҳудий билан лой ишига солган пайтларида Саъдийни та-нийдиган ҳалаблик бир амалдор уни ўн дино-р эвазига асирликдан қутқариб, Ҳалабга олиб кетади ва юз динор сеп бериб, ўзининг қизига никоҳлаб қўяди. Қиз бадфёъл ва ёмон тили бўлиб, Саъдийни менсимай кўп ранжитади. Навбатдаги жанжалларнинг бирида Саъдийга қараб: “Сен кимсан ўзинг, отам ўн динорга қутқариб олган асир эмасмисан?” деб миннат қилади. Шунда Саъдий “Тўғри, отанг мени ўн динорга қутқариб, юз динорга сенинг қўлинг-га банди қилиб топширди”, дейди.

Манноналардан бири яқинда “Оталар сўзи — ақлнинг кўзи” телекўрсатувига ҳам Хадича номи билан намойиш қилинди. Бу маннона қайнотасини беҳурматлаб, эрининг идора ишларига аралашиб, кўп номаъқуллик-ларни қилди. Мана шундай хотин-қизларга ота-боболаримиз “маннона” деб от қўйган. Одатда бу сифат нодон хотинларда бўлади ва булар ўз турмушини ўзи заҳарлайди.

Қизларга қўйиладиган иккита исм бор. Бири “Зухра”, иккинчиси “Захро”. Агар “З”дан кейин “у” келса, охириги товуш “а” бўлади, яъни “Зухра” деб айtilади ва қан-дай айtilса, шундай ёзилади. Агар “З”дан сўнг “а” товуши келса, охириги товуш “о” бў-лади, яъни “Захро” деб талаффуз қилинади ва шу талаффуз ёзувда ҳам акс эттирилади. Чақалоққа “Зухра” исми қўйилганда Зухра сайёраси назарда тутилади ва бу Венера де-ган исмининг шарқонаси бўлади. “Захро” деб исм қўйилганда қизалоқнинг оппоқлиги на-зарда тутилади. Агар қиз қора тусли бўлса, “Лайло” деб исм қўйилади. Ҳозир бу отни баъзилар Мажнуннинг Лайлосини назарда тутиб ҳам қўяди. Аммо “Лайло”нинг луга-вий маъноси “қорача”, тун рангидаги қиз дегани. Агар боланинг ранги қизил бўлса, “Хамро” деб ном қўйилади. “Аҳмар” ҳам қизил дегани. Аслида, Аҳмар ўғил болага ва Ҳамро қиз болага қўйилган. Аммо кейинги пайтларда “Аҳмар” сўзи билан “Хамро” сўзи орасидаги араб тилида мавжуд бўлган жин-сий фарқ ўзбек ва тожик тилларида уқил-магани учун ўзбек ва тожиклар ўғил болага ҳам Ҳамро деб от қўйган.

“Козим” исмининг лугавий маъноси “га-забини ютувчи”, яъни аччиги келганда, ўзини босиб, аччиқланганини билдирмай, кишига яхши муомала қилувчидир. Бу ижобий ҳи-салтлардан. Козимлар жанжал, келишмовчи-лик ва уришиш, аралашуш каби номаъқул ҳодисаларнинг олдини олувчи кишилар бўл-гани учун улар жамиятда азиз ҳисобланади. Бинобарин ота-она фарзандининг шундай бў-лишини орзу қилиб, унга Козим деб от қўяди.

“Робия” тўртинчи қиз дегани. Тўғилган болага унинг нечаничи бола эканини ҳисобга олиб от қўйиш ҳам бор. Шу маънода, ўғил болаларга ном қўйиш Туркменистон ва Ўз-бекистоннинг жанубида машҳур. Тўртинчи ўғилга Чорий, бешинчисига Бешим, олтин-чисига Олти деб ном қўяди.

Иккинчи қизга “Сония” ва тўртинчи қизга “Робия” деб от қўйиш Шарқда кўп тарқалган. Сония иккинчи дегани. Дақи-қадан кичик вақт ёки даража бирлиги ҳам дақиқага нисбатан иккинчи бўлиниш бир-лиги бўлгани учун “сония” деб аталган.

“Секунда” сўзнининг ҳам лугавий маъноси иккинчи бўлиб, илм тарихи олимларининг айтишича, термин сифатида “сония”нинг лотинча таржимасидан иборат. Худди шунингдек, “градус” “даража”нинг, “мину-та” “дақиқа”нинг, “терция” “солиса”, яъни учинчининг, “кварта” “робия”нинг, “кванта” “хомиса”, яъни бешинчининг, “секста” “са-диса”, яъни олтинчининг, “септима” “са-бия”, яъни еттинчининг, “октава” “сами-на”, яъни саккизинчининг, “нона” “тасиба”, яъни тўққизинчининг ва “дедима” “ашира”, яъни ўнчинининг таржимасидир.

“Соли”нинг асли “солиҳ” бўлиб, лугавий маъноси тўзуқ, яроқлидир. Бу сўз махсус маънода ҳам қўлланади. Бунда “Солиҳ” деб жамиятдаги қонун-қондаларга амал қилган ҳолда эл қоралайдиган ишлардан ўзини ти-ийиб, ҳалол тириклик қилувчи кишига айtilа-ди. Баъзан оддий нутқда “солиҳ” маъносигада “ҳалол” сўзи ҳам ишлатилади. “Ҳалол киши” деганда солиҳ назарда тутилади. Солиҳнинг зидди фосиқдир. Зино, ичкилик, қашнадалик каби ярамас ишлардан қайтмайдиган киши “фосиқ” деб аталади. Қисқача айтганда, жа-мийятнинг тўғри ривож учун яроқли киши “солиҳ”, яроқсиз “фосиқдир”. Солиҳнинг солиҳ сифатида қиладиган амали “салоҳ” деб аталади. Кишининг бирор ишга яроқчили-ги, қодирлиги “салоҳият” дейилади. Солиҳ-ни русча “праведный”, “честный”, фосиқни “развратный”, салоҳни “праведность”, “чест-ность”, салоҳиятни “компетентность” дейиш мумкин.

XIV асрда яшаб ижод этган ўзбек шоири Хоразмий машҳур “Муҳаббатнома”сининг хотима қисмида ўқувчилардан қўйидаги байт билан дуо талаб қилади:

Ўқигил фотиҳа, дур қибла ёни!
Севинсун банда Хоразмий равони!

Асарни тадқиқ қилиб нашр этган олим-лардан бири — филология фанлари доктори, профессор Амир Нажиб мазкур байтдаги “Хоразмий равони” иборасини “Хоразмий Равоний” деб ўқиб, “Равоний” Хоразмий-нинг иккинчи тахаллуси бўлса керак деган фикрни майдонга ташлади. Бу фикр “равон” сўзнининг муҳим бир маъносини назарга ол-маслик натижасида вужудга келган хато тах-минга асосланган. “Равон” сўзи форс-тожик тилидаги “рафтан” юрмоқ, бормоқ феълдан ясалган актив сифатдош бўлиб, унинг бирин-чи маъноси “юрувчи”, “юрар”дир. Лекин бу сўз “жон”, “руҳ” маъносига ҳам ишлатилади. Танада юрувчи ва уни юргизувчи қувват бўл-гани учун руҳ ва жонни “равон” (юртич) деб атаганлар. Хозирги форс тилида психолог “равоншуннос” ва психология “равоншунос-сий” деб аталади. “Равон” сўзи “жон” маъно-сида ўзбек адабиётда ҳам кўп ишлатилади. Бинобарин “севинсун банда Хоразмий равони-ни Камина Хоразмийнинг руҳи севиносин деб тушуниш керак.

Алибек РУСТАМОВ,
филология фанлари доктори,
академик

Орамиздаги одамлар

СУРДОТАРЖИМА ШУНЧАКИ ИШОРА ЭМАС, ҚАЛЪЛАРГА ЙЎЛ ОЧАДИГАН ТИЛДИР



Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда 430 миллиондан ортқ кишининг эшитиш қобилиятида турли даражада муаммоси бор. Шундан тахминан 70 миллион киши ишора тилидан асосий мулоқот воситаси сифатида фойдаланади. Юртимизда эшитиш қобилияти чекланган фуқаролар сони 40 мингдан кўп. Уларнинг катта қисми ахборот олиш ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиш учун сурдотаржимонлар хизматидан фойдаланади.

Эшитмайдиган ва гапиролмайдиганлар-нинг ота-оналари баъзан турли тушунмовчи-ликлар сабаб қарлар жамиятига ёки “Инсон” ижтимоий хизматлар марказига мурожаат қилади. “Болаимиз бизни тушунмаяпти. У қар, эшитмайди. Нима деяпти, сўраб беринг”, дейишади. Азиз фарзандининг эшитмаётга-ни ва гапира олмаётганидан безовта бўлаёт-ган ота-оналарга, биринчи навбатда, сур-дотаржимонлар кўмакка келади. Бевоситта уларнинг мадади билан ногирон сифатида эътироф этилганлар учун жамиятнинг барча қатламлари билан мулоқотга киришиш им-конияти яратилади. Шу маънода, сурдотар-жимонларни қалблараро кўприк қурувчилар дейиш мумкин. Чунки бола сизнинг овозин-гизни эшитмаса-да, нима дейётганингизни ҳис этади. Шу сабаб сурдотаржимонларни инсон қалбидagi ўй-фикрлар, ҳаёгон ва қу-вончи бошқа инсон қалбига етказувчи элчи-ларга менгзаса бўлади.



Бир неча йиллардан буён Сурхондарё ви-лояти ва туман қарлар жамиятида ишлаёт-ган Сурайё Мухиддинова Денов туманида тутилган. Аммо бутун вилоят бўйлаб сурдо-таржимонлик қилади. У эшитиш ва гапириш имконияти чекланган инсонлар хизматига ҳамма ҳозир. Бундай кишилар билан бирга ташкилотлар ва корхоналарда бўлиб, улар-нинг ишора тилини бошқаларга тушунтириб беради. Шунинг учун Сурайё Мухиддинова сурдотаржимонлики оддий касб эмас, балки ҳаёт маъноси деб тушунади.

— Бу касб эгаларининг қўлларидаги ишо-ралар билан минглаб юракларга йўл топила-ди. Чунки бу соғлом инсонлар баъзан қўйла-диган оддийгина қўл ҳаракатлари эмас. Бу ҳиссиёт, меҳр ва самимият тилидир, — дейди сурдотаржимон Сурайё Мухиддинова. — Мен учун ҳар бир ишора инсоннинг дунёга очиладиган, аникроғ, оламга муносабатини англатадиган ўзига хос ойнадир. Фикримча, нафақат таржимонлар, балки аҳолига хизмат кўрсатадиган барча соҳа вакиллари ҳам сур-до тилини билса, фойдадан холи бўлмайди. Негаки, сурдо тили — хорижий тилдек гап. Сурдо тилга меҳр тили дея таъриф бериш мумкин.

Сурайё Мухиддинова ҳозир Денов тум-анидаги “Инсон” ижтимоий хизматлар мар-казида ҳам фаолият юритади. У эшитиш ва

гапиришда нуқсонли бор юртдошларимизнинг ижтимоий соҳаларга оид муаммоларини ҳал этишда ёрдам бермоқда. Бундан ташқари, тиббиёт ва таълим муассасаларида ҳам тар-жимонлик қилиб, одамларга сидқидилдан кўмаклашмоқда.

— Сурайё Мухиддинова ижтимоий аҳа-миятли йўналишда фаолият юритаётган фидойи инсонлардан бири. Тажрибали сур-дотаржимон, инсон қалбини ҳис қилиш ва тушунишда моҳир. Унинг иш фаолиятини кузатиш ҳам алоҳида мактаб, — дейди Денов тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар мар-кази раҳбари Эркин Жумаев. — Сурайёнинг кўмаги билан қатор муаммолар ўз вақти бартараф этилмоқда, фуқароларнинг овози тиббиёт, таълим ва ижтимоий хизмат ҳодим-ларига эркинроқ етиб бормоқда.

Қаҳрамонимиз “Инсон” ижтимоий хиз-матлар марказида сурдотаржимонлик бўйича ўқув курси ташкил этган. Ҳозир шу йўналиш-да 20 га яқин тилғовчиға сабоқ бермоқда. Бу курслар орқали Сурайё янги авлод сурдотар-жимонларини тайёрлаш, уларга амалий кў-никмалар бериш ва жамиятда инклюзивлик маданиятини кучайтиришни асосий мақсад қилган.

Сарвар ТЎРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилимайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2025 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1246.
34211 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Азизбек Юсупов
Мусахҳис: Маллоҳат Мингбоева
Дизайнер: Хуришд Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА яқуни — 00:25 Топшириқди — 00:35

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05